



МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ СЕМИНАРИ




Айни кунларда маҳалла раисларининг малакасини ошириш мақсадида ўқув-семинарлари ташкил этилмоқда.






Жарқўрғон туманида фаолият олиб бораётган маҳалла раислари Термиз давлат университетида бир ҳафтага мўлжалланган ўқув-семинар дастури асосида малака оширишмоқда. Семинарда маҳалла тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, маҳалла раисларининг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, маҳалладаги бешлик (ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли ва профилактика нозир) билан яқдилликда ҳамда ҳокимлар, сектор раҳбарлари, маҳаллий кенгаш ва давлат органлари билан ҳамкорликда иш олиб боришлари батафсил тушунтирилмоқда.



Мавзулар интерфаол усулда, семинар-тренинг, амалий машғулот ва давра суҳбатлари тарзида ёритиб берилляпти.



Жарқўрғон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.